



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 26 май, № 108 (7066)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ НИЗОЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ИНСТИТУТ СИФАТИДА НОТАРИАТ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда нотариатни ислоҳ қилиш, уни превентив одил судлов ҳамда суд низоларининг олдини олиш вазифаларини бажарувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини таъминловчи муҳим институтлардан бири сифатида шакллантириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, нотариал идораларнинг фаолиятида суд-ҳуқуқ соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга оширишда, иқтисодий, оилавий, мерос, уй-жой, меҳнат ва бошқа низоларининг олдини олишда нотариатнинг салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга тўсқинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжуд. Хусусан:

**Биринчидан**, аҳолига кўрсатилаётган нотариал хизматларнинг сифати ва тезкорлиги паст даражадалиги, нотариал идоралардаги узундан-узун навбатлар, давлат божлари ва бошқа йиғимлар ундиришнинг шаффоф эмаслиги, шунингдек, мавжуд бюрократик тўсиқ ва говлар аҳолининг нотариат тизимига бўлган ишончини пайсатирмоқда ҳамда коррупция кўринишлари пайдо бўлишига имкон қолдирилмоқда;

**Иккинчидан**, асосан тасдиқлаш хусусиятига эга бўлган вазифани бажарётган амалдаги нотариат тизими мамлакатнинг бугунги ривожланиш талабларига жавоб бермапти, нотариал ҳаракатларни бевосита аҳоли пунктларига чиққан ҳолда амалга оширишнинг кенг амалиёти мавжуд эмас. Жамиятнинг ривожланишидан ортада қолаётган нотариатнинг фаолият кўрсатиш тизими унинг комплекс нотариал хизматлар кўрсатувчи янада фаол моделига ўтишни талаб этмоқда;

**Учинчидан**, замонавий инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни паст даражадалиги, идораларо электрон ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги аҳолига тезкор нотариал хизматларни кўрсатиш имконини бермапти ҳамда зарур маълумотнома ва ҳужжатларни тўплаш учун ваколатли давлат ташкилотларига бевосита ташиф буюришни талаб этмоқда. Профилактик чоралар сифатида энг кўп низолашлайётган нотариал битимларни расмийлаштиришда аудио ва видео қайд этишдан фойдаланилмапти;

**Тўртинчидан**, нотариуслар ва нотариал идораларнинг ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими нотариат корпусини юқори малакали кадрлар билан шакллантириш масалаларини тизимли равишда ҳал этиш имконини бермапти. Нотариусларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув режалари ва дастурлари нотариал амалиёт билан етарли даражада уйғунлаштирилмаган;

**Бешинчидан**, стажировка ўташнинг узоқ ва мураккаб жараёни бўш турган нотариус лавозимларини малакали кадрлар билан тез тўлдириш учун зарур чораларни кўриш имконини бермапти;

(Давоми 2-бетда).

## Қарор ва ижро

### Хайрли ишлардан кўнгиллар шод

Ҳар бир инсоннинг ўз ҳаётидан мамнун бўлиб умргузаронлик қилишини таъминлаш, оғирини енгиллаштириш, айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, фаровон яшашларини кафолатлаш, сихат-саломатлигини муҳофаза этиш бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан саналади.

Президентимизнинг 2017 йил 12 сентябрда қабул қилинган "Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу бордаги хайрли ишлар кўламини кенгайтиришда

муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори ижросини таъминлашда фаол иштирок этаётди.

(Давоми 2-бетда).

## «Қадрдон мактабимиз бағрида ўқиб-ўрганиб, доимо изланиб, янгиликка, тараққиёт чўққиларини эгаллашга интилиб яшаймиз!»

Мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларида ушбу шиор остида тантанали тадбирлар бўлиб ўтди.

2017/2018 ўқув йили сарҳисоб қилинган мазкур тадбирларда таълим муассасаси жойлашган ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, ота-оналар, фахрий ўқитувчилар, собиқ битирувчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари, ўқувчи-ёшлар қатнашди.

### ТАЪЛИМ

Президентимиз томонидан юртимизда таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга, ёшларда мустақил ҳаётини яшашга ва тафаккурни шакллантиришга, уларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашга, юрт тараққиёти, халқ фаровонлигига дахлдорлик туйғулари кучайтиришга алоҳида эътибор қаратирилмоқда.

Мактабларнинг моддий-техника базаси янада яхшиланаяпти. Инвестиция дастурига мувофиқ, жорий йилда 335 та умумтаълим даргоҳида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётган, 930 таси замонавий мебеллар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникалари ҳамда спорт анжумлари билан жиҳозланаяпти.

2017/2018 ўқув йилида 43 миллион нуска дарслик чоп этилиб, умумтаълим мактабларига етказиб берилди. Илк маротаба умумтаълим фанлари бўйича ўқувчилар ўртасида ташкил қилинган инновацион олимпиада навқирон авлоднинг замон билан ҳамнафас яшашга интилиши юқориликни, юртимиздаги



ўзгаришлар ва туб ислохотларга қизиқиши кучлиликни кўрсатди.

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 110-умумтаълим мактабда ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган янгиликлар, уларнинг моҳиятида ётган эзгу мақсад-муддаолар алоҳида таъкидланди.

Келажагимиз ворисларига Юртбошимизнинг "Дунёда энг катта бойлик — ёшиқда олинган билим ва эгалланган касб-хунардир", деган сўзлари мазмунини ҳаётини мисоллар асосида тушунтирилди. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг модернизация қилиш ҳамда инновацион ривожланиш босқичига олиб чиқиш,

шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини янгилаш, инсон ҳуқуқлари ва диний бағрикенгликни, дунё давлатлари билан дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берилди.

(Давоми 3-бетда).

## Юксак ҳуқуқий маданият ва дахлдорлик туйғуси

Фуқаролар муурожаатларида ана шу жиҳатлар яққол намоён бўлмоқда.

"Фуқаролик жамияти" тушунчаси кейинги йилларда ҳаётимизда мустаҳкам ўрин эгаллаб бормоқда. Сабаби, унинг энг муҳим жиҳатлари, талаблари кундалик турмушимизда намоён бўлаяпти. Халқимизнинг ҳуқуқий онги, тафаккури юксалмоқда. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, эндиликда Ўзбекистонда халқ ҳокимияти номига эмас, амалда жорий этилаётганини ҳар қадамда қуриш мумкин.

### ПҮРИШ НАЗОРАТИ

Президентимизнинг парламента Муурожаатномасида айтиб ўтилган бу фикр, айниқса, кейинги бир неча йил мобайнида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришларни яққол ифодалайди. Буни биргина парламентаризм юқори палатаси — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати девонига фуқаролар ва юридик шахслардан келиб тушаётган муурожаатлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Муурожаатларни таҳлил қилар эканмиз, эндиликда

юртдошларимизнинг кўпчилиги шунчаки катта-кичик шахсий муаммоларини эмас, балки кўпроқ бутун жамиятимизга тааллуқли, ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни кўтариб чиқаётганига амин бўлаемиз.

Халқимизни уйлантираётган долзарб ижтимоий муаммоларни кўтаришда, айниқса, ёш авлод тарбиясига масъул бўлган чинакам ватанпарвар инсонлар — педагогларнинг фаоллиги кўзга яққол ташланади. Хусусан, Сенатга келиб тушган ана шундай муурожаат-

лардан бирида Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги 11-умумтаълим мактабда юзага келган бир қатор салбий ҳолатлар ҳақида баён этилган. Унда ўқитувчилар мактабдаги номақулуб муҳит, қолаверса, таълим масканининг моддий-техника базаси ўқув стандартлари талабларига жавоб бермаслиги тўғрисида куюнчақлик билан фикр билдиришган.

— Ёш авлод тарбияси — ўта долзарб масала. Шундай экан, келажақда мамлакатимиз тараққиётини белгилайдиган фарзандларимизнинг замон талаблари даражасида пухта таълим-тарбия олишлари учун барча шарт-шароитни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга, — дейди Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Г. Алимова. — Мазкур таълим масканида аҳвол кескин тусга кирганини ҳисобга олиб, ма-

салани ўрганиш бўйича вилоятдан сайланган сенаторлар ҳамда ваколатли масъул ходимлардан иборат таркибда ишчи гуруҳи тузилиши борасида Бухоро вилояти ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ў. Барноева қўмитамиз номидан хат йўллади. Бу ҳолат юзасидан Халқ таълими вазирлигига муурожаатимизга жавобан вазирилик мутасаддилари ва мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи масалани батафсил ўрганиб, тегишли чоралар қўрилганини маълум қилди. Хусусан, мактабнинг педагогик жамоаси орасида соғлом маънавий муҳитни таъминлашда йўл қўйган хатолари учун мактаб раҳбариятига нисбатан тегишли таъсир чоралари қўрилди, таълим муассасасининг моддий-техника базасини яхшилаш борасида амалий ишлар қилинди.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

• Пойтахтимизда Қирғизистоннинг юртимиздаги туристик кўчма кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда қўшни давлатда фаолият юритаётган сайёҳлик компаниялари, Курортлар, Тиббиёт туризми ассоциациялари, пансионатларнинг 100 дан ортиқ вакиллари иштирок этди.

• "Bazis Medic" эстетик тиббиёт ва косметология нодавлат таълим муассасасида бўлиб ўтган дерматолог, косметолог ҳамда шифокорлар семиналари мавзуга доир муҳим масалалар ҳақида маълумотлар берилди.

• Ҳиндистоннинг "Action Medical Institute" — "Action cancer Hospital" касалхонаси профессорлари Жиззах вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида 200 нафар, Фаллоорол ва Дўстлик туманларида 400 нафар беморни қўриқдан ўтказиб, зарур маसлахатлар беришди.

• Навоий вилоятининг Кармана туманида жорий йил бошидан буён 110 нафар хотин-қиз 5 миллиард 670 миллион сўм миқдордаги кредит эвазига ўз тадбиркорлигини йўлга қўйди.

• Гулистон шаҳрида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда 125 та корхона ва ташкилот 4178 та бўш иш ўрни билан иштирок этиб, 372 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс, алимент тўловчилар ҳамда ҳаётда адашиб, эндиликда тўғри йўлни танлаган шахсларга ишга жойлаштиришлари учун йўлланмалар берилди.

• Норин тумани марказидаги "Шодлик" стадионида маҳаллардаги уюшмаган ёшлар ўртасида ташкил этилган республика спорт олимпиадасининг Наманган вилояти босқичи голиб ва совриндорлари аниқланди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## Қадриятларни тараннум этувчи фестиваль

Бухоро шаҳрида анъанавий "Ипак ва зираворлар" халқаро фестивали бўлиб ўтмоқда. Унда мамлакатимизнинг турли ҳудудлари ҳамда хоржий давлатлардан келган хунармаңдлар, халқаро сайёҳлик ташкилотлари вакиллари, туристлар, фольклор-этнографик дасталар аъзолари қатнашаяпти.

### АНЪАНА

Буюк Ипак йўли карвонларини ёдга солувчи кўринишлар, Шарқ эртақлари қаҳрамонлари қиёфасидаги йигит-қизлар, миллий куй-қўшиқлар, карнай-сурнай, доира садолари — буларнинг барчаси байрамона безатилган кўҳна шаҳарга ўзгача фусункорлик бағишламоқда.

(Давоми 3-бетда).



## Кун иқтибоси

Себастиан ПЕЙРУЗ,  
Жорж Вашингтон  
университети профессори:

— ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР ДИҚҚАТГА САЗОВОР. БУ Йўналишда катта ўзгаришлар қилинмоқда ва янги силжишлар қутилаяпти. Президент ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ айнан таълимга БОТ-БОТ УРғУ бермоқда. ТУБ муаммоларни ўзи кўтариб чиқиб, ОИЛАДАН ТОРТИБ БОҒЧАГАЧА, БОШЛАНҒИЧ СИНОДАН ўРТА МАКТАБГАЧА, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДАН ТОРТИБ УНИВЕРСИТЕТЛАРГАЧА ўқитиш СИФАТИНИ ОШИРИШ ЗАРУРЛИГИ ҳАҚИДА ГАПИРМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМГА ТАЛАБ КАТТА...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

НИЗОЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ИНСТИТУТ СИФАТИДА НОТАРИАТ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

ОЛТИНЧИДАН, нотариал хизматлар кўрсатишнинг сифати ва тезкорлиги, нотариал идора ходимлари томонидан ўз функционал вазифаларини лозим даражада бажарилиши устидан назорат қилишнинг самарали механизми, айниқса, масофадан назорат қилиш шакллантирилган.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ҳамда жимсоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда нотариат институтининг роли ва аҳамиятини ошириш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган нотариал хизматларнинг сифатини яхшилаш мақсадида:

1. Нотариатнинг фаол модели доирасида нотариуслар томонидан битимларни тасдиқлашда “ягона дарча” тамойили бўйича амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар рўйхати 1-иловага мувофиқ маъқуллансин ва 2019 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, бошқа ваколатли вазирлик, идора ва ташкилотлар билан биргаликда:

икки ой муддатда нотариатнинг фаол модели доирасида нотариуслар томонидан “ягона дарча” тамойили бўйича битимларни тасдиқлашда давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишнинг маъмурий регламентлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Белгиланган муддатларда ушбу қарорнинг 1-илловасида назарда тутилган ахборотларни алмаштириш учун маълумот базалари ва ахборот тизимларини жорий этиш, шунингдек, уларнинг “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизими билан интеграция қилинишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди манфаатдор вазирлиги ва идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда суд томонидан муомалга лаёқатсиз деб топилган шахслар бўйича электрон маълумот базаси шакллантирилиши, кейинчалик унинг “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизимига интеграция қилинишини таъминласин.

2. 2019 йил 1 январдан бошлаб ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартибини ўрнатилиш орқали кўчмас мулкни ижарага бериш

ва текин фойдаланиш шартномаларини мажбурий нотариал тасдиқлаш бўйича талаб бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси икки ой муддатда кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низоми ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 январдан бошлаб: кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни нотариал тасдиқлаш фақат “Давлат белгиси” давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тайёрланадиган, химоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва ҳудудий кодга эга бўлган қатъий ҳисобот бериладиган гербли (махсус) бланкаларда амалга оширилади;

васиятномаларни имзолаш жараёни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонуни 34-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда, битим, ариза ва бошқа ҳужжатларни имзолаш жараёни мажбурий аудио ва видео қайд этилиши лозим; юридик шахс нотариусга ихтиёрий мурожаат этганда унинг коллегиял органининг қарори қабул қилинганлиги факти нотариал тасдиқлангани лозим.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказининг 2019 йил 1 январдан қўйиладиган мувофиқ нотариал ҳаракатларни амалга оширишнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин;

нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахсларнинг шахсини аниқлаш бармоқ изларини сканер қилиш ва уларни паспортдаги (фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжатидеги) биометрик маълумотлар билан солиштириш орқали амалга оширилади; мурожаат этувчиларнинг нотариал ҳаракатлар бажарилганини тасдиқлаш нотариал тасдиқланаётган ҳужжатларга улар томонидан имзо қўйиш ва махсус касалларда уларнинг бармоқ изларини сканер қилиш йўли билан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ушбу муддатда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган асбоб ва ускуналарни олишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига техник жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг: нотариус лавозимига номзодларнинг стажировка ўташ муддатини икки йилдан бир йилга қисқартириш тўғрисидаги; нотариус лавозимига номзодлар учун судьялик

лавозимида камида беш йил ишлаган ёхуд нотариал фаолиятга раҳбарлик ва назорат қилувчи лавозимларда камида уч йил ишлаган шахсларга мажбурий стажировка ўташ бўйича талабини бекор қилиш ҳақидаги тақлифларига розилик берилсин.

Белгилансинки, мазкур банднинг амал қилиши ушбу қарор кучга кирган пайтда нотариал идораларда стажировка ўтаётган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

6. Нотариат институтини янада такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

“Йўл харитаси”да кўрсатилган вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари унда назарда тутилган тадбирлар ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди икки ой муддатда: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда судларга мурожаат этишда давлат божларини тўлашдаги имтиёзлар ва белгиланган давлат божи микдорларини танқидий ўрганиб чиқсин, натижаси бўйича нотариусларнинг ижро ёзувларидан фойдаланиш амалиётини кенгайтиришга, суд тизимидаги иш ҳажмини камайтиришга йўналтирилган давлат божи ставкалари ва имтиёзларини мақбуллаштириш юзасидан тақлиф киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда мерос ишларини расмийлаштириш соҳасида нотариал ва суд амалиётини ўрганиш ва ушбу соҳадаги ягона ёндашувни таъминлаш юзасидан тақлиф киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси 2019 йил 1 январдан бошлаб уй-жойни хусусийлаштиришга розилик берилган шахслар тўғрисидаги маълумотнинг нотариал идораларга реал вақт режимида бепул асосда тақдим қилинишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда барча нотариал идораларни уларда белгиланган иш вақтига мувофиқ фаолият кўрсатувчи махсус кассалар, шунингдек, махсус кассаларни банк пластик қарточкаларидан тўловни қабул қилиш бўйича ҳисоб терминаллари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги ва Марказий банки билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тижорат банклари томонидан нотариуслар томонидан ўзларининг нотариал идоралари бино ва иншоотларида очилган махсус кассалар орқали ундириладиган давлат божларининг жами суммасидан ажратма олиш ҳақида тақлиф киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий

веб-сайтида нотариус лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаб олиш жараёнини реал вақт режимида аудио ва видеотрансляция қилиш амалиётини жорий этсин;

2019 йил 1 январга қадар муддатда нотариал идораларда нотариал ҳаракатларнинг махфийлигини сақлаган ҳолда реал вақт режимидаги масофавий марказлаштирилган аудио ва видеокўзатув тизимини жорий этиш, бунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари томонидан улардан фойдаланишни таъминласин;

икки ой муддатда нотариал қўғирчида тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув-режа ва дастурларни, жумладан, психология ва юридик фаолият билан боғлиқ бўлган тартиблар ва кўникмаларга (стрессни бошқариш, келишмовчиликларни бошқариш, иш вақтини самарали ташкил этиш) ўргатиш бўйича дарслар киритилишини назарда тутган ҳолда қайта кўриб чиқсин;

нотариал амалиётда вужудга келаятган долзарб масалаларни видеоконференциялар ташкил этиш орқали муҳокама қилишни назарда тутувчи доимий семинар машғулотларини ўтказиб боришни амалиётга кенг жорий этсин;

Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда аҳолининг нотариал хизматлардан фойдаланиш имконини ошириш мақсадида нотариал округдаги нотариус лавозимларини белгилаш мезонларини қайта кўриб чиқишни назарда тутувчи Хукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар муддатда илгор хорижий тажрибани ва миллий нотариал амалиётни чуқур ўрганган ҳолда, давлат нотариал идораларини фаол нодавлат шаклига ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан асосланган тақлиф киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р. К. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 25 май

Хайрли ишлардан кўнгишлар шод

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Хусусан, Федерация томонида республикаимизнинг барча ҳудудидида кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий-маиший аҳоли атрофлича ўрганилаётгани, бунинг натижасида ўтган даврда республика бўйича 22 мингдан ортиқ хонадонлар кундалик турмушда зарур бўлган маиший техника жиҳозлари билан таъминлангани, эхтиёжманд оилаларда истиқомат қилувчи 1200 нафарга яқин беморларга соғлиғини тиклаши учун амалий ёрдам кўрсатилгани, 2 мингдан кўпроқ оилаларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилгани бунинг яққол мисолидир.

Айни пайтда касабани уюшмалари томонидан жорий йилги ўрганишлар ва аҳоли билан мулоқотлар давомида аниқланган эхтиёжманд оилаларнинг уй-жойларини таъмирлаш, маиший шaroитларини яхшилаш, саломатликларини тиклаш борасида тизимли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Ана шундай хайрли тадбирлар Тошкент шаҳрида кенг қамровда ўтказилаётир.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида ташкил этилган тадбирга 70 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ижтимоий-иқтисодий қўмакка муҳтож ҳамда ногиронлиги бўлган оилалар вакиллари, ёлғиз кексалар тақлиф қилинди. Уларнинг ҳар бирига кундалик турмушда зарур бўлган замонавий газ плиталари топширилди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Федерация вакиллари томонидан Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи 1166 та кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оиланинг яшаш шароитлари чуқур ўрганилиб, тегишли чоралар кўриш белгиланган. Тадбир доирасида касабани уюшмалари Шайхонтоҳур туманидаги “Катта Октепа” маҳалла фуқаролар йиғини, Гулҳанчи кўчасида истиқомат қилаётган эхтиёжманд оилалардан бири — Нарғиза Холметова ҳамда Зафаробод маҳалласида яшовчи боқувчисини йўқотган оилалардан бири — Шарифа Абдукаримова хонадонларига ҳам таширф буюриб, маиший техника жиҳозларини тақдим этдилар.

Зиёда АШУРОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Мурожаат муаллифи, 11-умумтаълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси М. Узоқова мазкур масала юзасидан қуйидагиларни билдирди:

— Мамлакатимизда фарзандларимизнинг давр талабларига мос шарт-шароитларда таълим-тарбия олиши, чуқур билимга эга бўлиши учун кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу ислохотлар самарали бўлиши учун биз, фуқаролар ҳам қўл қовуштириб ўтирмай, ўзгаришлар жараёнига шунчаки томошабин бўлиб қолмай, шу каби муаммоларга қатъий нуқтаи назардан туриб ёндашишимиз керак. Ахир гап фарзандларимиз, юртимиз келажак ҳақида кетмоқда. Сенатга мурожаат қилишдан аввал кўплаб идоралар эшигини қоққанман. Лекин афсуски, бирор наф бўлмади. Парламент юқори палатасига чиққанымдан сўнггина муаммо ўз ечимини топа бошлади. Дастлаб мансаб вазифаларига панжа орасидан қарайдиган мактабимиз мутасаддиларига нисбатан чоралар кўрилди. Эндликда унинг моддий-техника базасини янгилаш масаласи кўриб чиқилаяпти. Албатта, йиллар давомида йانгилиб келган бу каби муаммоларни қисқа вақтда ҳал этиб бўлмайди, буни яқши тушунамиз. Асосийси, муаммо бўйича ишчи гуруҳи иш олиб бормоқда. Тез орада масала тўла ҳал қилинишига ишонамиз.

Одамларни ташвишга солаётган яна бир ижтимоий муаммо бўйича

Юксак ҳуқуқий маданият ва дахлдорлик туйғуси

Фуқаролар мурожаатларида ана шу жиҳатлар яққол намоён бўлмоқда.

мурожаат Тошкент вилояти, Чиноз тумани, “Ўзбекистон” кишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Икром Эшхўжаевдан келиб тушган. Унинг Тошкент — Сирдарё йўналишидаги автомобиль йўлида транспорт воситаларининг юқори тезликда ҳаракатланиши оқибатида маҳаллий аҳоли, айниқса, мактаб ўқувчилари йўлни кесиб ўтшида қўйинчиликларга учраётгани тўғрисида кишлоқ фуқаролари номидан Сенатга ёзган мурожаати Мудоффа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан атрофлича ўрганилди. Ўз навбатида, Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси билан биргаликда мазкур муаммони ҳал этиш чоралари кўрилди. Жумладан, халқаро аҳамиятга эга М39 Алматы — Бишкек — Тошкент — Шахрисабз — Термиз автомобиль йўлининг тегишли қисмида тезликни чекловчи белгилар, фото ҳамда видеорадарлар ўрнатилиб, ишга туширилди.

— Маҳаллий аҳолини анчандан бери ташвишга солиб келган бу муаммони ҳал қилишни сураб кўплаб идораларга мурожаат этган эдик, — дейди И. Эшхўжаев. — Лекин бу

саъй-ҳаракатларимиздан ҳеч бир натижа бўлмади. Шунда Сенатга ёзишга қарор қилдим. Буни қарангки, тез орада мутасадди идоралар томонидан йўлда кераклик белги ва ускуналар ўрнатилди.

Дарҳақиқат, бугун давлатимиз раҳбари томонидан илгари суриляётган ниҳоятда муҳим ташаббус ҳамда гоёлар изчил рўёбга чиқаририлмоқда. Ўз навбатида, фуқаролик жамияти институтлари, жамоатчилик, умуман, барча ушбу ўзгаришларни фаол қўллаб-қувватлаётган. Бирок эскича ўйлашга ўрганиб қолган, қатъий қарор қабул қилиб, чоралар кўриш керак бўлган ҳолатларда сусткашликка йўл қўётган айрим мансабдорлар ҳали ҳам йўқ эмаски, улар шиддатли тус олаётган қўламдор ислохотларга тўғона бўлмоқда. Фикримизнинг тасдиғи сифатида Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги “Қумовул” ҚФЙ ва Тошкент шаҳрининг Бектемир тумани маҳаллалари аҳоли томонидан йўлланган мурожаатни келтириш мумкин. Унда Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ж. Остонов кўчасида жойлашган чинкиди сувлари тозалаш корхонаси томонида ҳавога бадбўй хид чикарилиб,

аҳоли соғлиғига зарар етказилаётгани баён этилган. Одамларнинг шу пайтгача мутасаддиларга ёзган мурожаатларига эса умумий гаплар билдирилган маъмул жавоб хатлари келган, холос.

Сенаторларнинг ўрганишлари натижасида аниқ бўлдики, “Қумовул” ҚФЙ ҳудудида намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйларида яшовчи фуқаролар шу ҳудудга кўчиб келганидан буткул норози. Сассик хид аҳоли, айниқса, болалар кўнглини бехузур қилиб, аллергия, бош оғриғи ҳамда бошқа хасталикларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Мазкур жамоавий мурожаатга йиғирма нафарга яқин фуқаролар имзо чекаганини ҳисобга олсак, вазият қай даражага етганини тасаввур этиш қийин эмас. Ҳозирги пайтда ушбу масала Сенатнинг тегишли қўмитаси назоратига олинган.

Сўнгги ойларида Сенатга келиб тушган, сенаторлар аралашуви билан ҳал бўлган кўплаб масалалардан яна бири — Наманган туманида истиқомат қилувчи фуқаро Ш. Тожибоевнинг мурожаати билан боғлиқ. Бу инсон ўзи тўғилиб ўсган Кўрғонча кишлоғи-

нинг тарихий номини расман тиклашда амалий ёрдам сураб, парламент юқори палатасига мурожаат этган. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман комиссияси йиғилишида комиссия аъзолари томонидан бу атрофлича кўриб чиқилиб, икбий ҳал қилинди.

Мамлакатимизда демократия ҳамда фуқаролик жамияти ривожлангани сайин айнан инсонлар онги, уларнинг ҳаётига, давлатга, Ватан равнақига муносабати ўзгармоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбарияти, давлат органлари, шу жумладан, парламент томонидан олиб борилаятган саъй-ҳаракатлар, кенг омма орасидаги бевосита тушунтириш ишлари ҳам алоҳида ўрин тутади. Демак, амалга оширилаётган ишлар бесамар кетмапти, уларнинг натижаларини ҳозир, шу дамда кўриш мумкин. Модомки, одамларнинг муаммолари ҳал бўлаётган, уларни ўйлантираётган ижтимоий масалалар ечим топаётган экан, шубҳасиз, кўзланган мақсадларга эришилмоқда.

Қобил ХИДИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

2025 йилгача республикаимизнинг экологик тоза энергия ишлаб чиқариш қуввати 1,7 БАРОБАР

Пойтахтимизда “Энергияни тежаш ва энергия самардорлигини ошириш соҳасидаги инновацион технологиялар” мавзусида бизнес-семинар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан ўтказилган мазкур тадбирда Украина, Россия Федерацияси, Латвия, Германия, Туркия ҳамда Ўзбекистоннинг инновацион технологияларини татбиқ қилиш билан шуғулланадиган етакчи компаниялари вакиллари қатнашди.

СЕМИНАР

Қайд этилганидек, энергия ресурсларини тежаш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан оқилонга фойдаланиш иқтисодий-экологик барқарор ривожланиш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омилдир. Шунининобатда олиб, юртимизда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларга энергияни тежовчи инновацион технологияларни татбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда хориж компаниялари билан

ўрнатиладиган ҳамкорлик янги лойиҳалар рўёбига йўл очаяпти.

— Юртингизда энергия самардорлигини таъминлаш, мўқобил энергияни ривожлантириш бўйича катта қадамлар ташланган, — дейди Туркиянинг “Iteknio” компанияси лойиҳа координатори Шабнам Маммадова. — Бугунги тадбирда электр энергиясини 50 фоизгача тежайдиган махсус инновацион ускуналаримизни Ўзбекистоннинг иқтисодиёт тармоқларида қўллаш-



ни тақлиф этаёмиз. Албатта, бу ҳамкорлигимизнинг дастлабки босқичи бўлади. Келгусида ана шундай янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ниятимиз.

Президентимизнинг ўтган йил 26 майда имзоланган “2017 — 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетика янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самардорлигини ошириш чора-тадбирлари

дастури тўғрисида”ги қарори ушбу йўналишда янги истиқболларни очди. Унга кўра, 42 та янги гидроэлектр станциясини қуриш ҳамда ишлаб турган 32 та гидроэлектр станциясини модернизация қилиш ҳисобига 2025 йилгача республикаимизнинг экологик тоза энергия ишлаб чиқариш қувватини 1,7 баробар ошириш кўздатилинган.

— Жорий йилда Канаданинг “Sky Power” компанияси билан ҳамкор-

ликда Сурхондарё, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида умумий қуввати 1000 мегаваттга тенг бўлган қуёш электр станцияларни қуриш, шунингдек, Германиянинг “Siemens” компанияси билан биргаликда қуввати 100 мегаваттга тенг этидан энергия сарфини камайтириш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш, энергия ресурсларини ҳисобга олиш тизимини автоматлаштириш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# «Қадрдон мактабимиз бағрида ўқиб-ўрганиб, доимо изланиб, янгиликка, тараққиёт чўққиларини эгаллашга интилиб яшаймиз!»

Мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларида ушбу шиор остида тантанали тадбирлар бўлиб ўтди.



(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Тантанада ўз қобилияти билан "Билимлар беллашуви", фан олим-

мактабнинг фидойи ўқувчилари-га диплом, ташаккурнома ва эсдалик совғалар топширилди. Шунингдек, "Энг ибратли ўқувчи", "Энг фаол ўқувчи", "Ижодкор ўқувчи", "Еш ихтирочи", "Мактабимиз фахри", "Спорт устаси", "Компьютер устаси", "Энг ораста қиз" каби номинациялар бўйича иқтидорли ҳамда намунали ўқувчилар тақдирланди.

Ўтган ўқув йили мамлакатимизда олиб борилган ислохотларга ҳамроҳан тарзда жамоамиз учун ҳам ҳар томонлама юқалиш йили бўлди, — дейди мактаб директори Умида Рашидова. — Ўқувчиларимиздан тўрт нафари "Билимлар беллашуви"нинг туман босқичида биринчи ўринни эгаллаган бўлса, яна тўрт нафари фан олимпиадасининг шаҳар босқичида совринли ўринларини кўлга киритди. Таълим муассасамиз ва ота-оналар ўртасида самарали ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани боис, бирор-

та ҳам ўқувчимиз ички ишлар органлари рўйхатида турмайди.

Олмазор туманидаги 146-умумтаълим мактабида жорий ўқув йили яқунларига бағишлаб ўтказилган тадбирда одоб-ахлоқ, интилувчанлиги билан тенгдошларига ўрناк бўлаётган ўғил-қизларнинг ота-оналари ҳам рағбатлантирилди. Хусусан, уларга "Энг фаол ота", "Жонқуяр она", "Масъулиятли ота-она", "Аълочи ўқувчи отаси", "Билимли қиз онаси", "Намунали она", "Жонқуяр бобо", "Меҳрибон буви" каби номинацияларда ташаккурномалар берилди.

Дилтортар куй-қўшиқлар, Ватан, ота-она, мактаб ҳамда ёрқин келажакни мадҳ этган шеърлар йиғилганларга байрамона кайфият улашди.

Халқ таълими вазирлиги ахборот хизмати маълумотларига кўра, мамлакатимизнинг барча ҳудудидида умумтаълим мактабларида ёшларга ёзги таътил

кунларини мазмунли ва мароқли ўтказиш, мавсумнинг ўзига хослигини инобатга олиб, очик ҳамда ёпиқ сув ҳавзалари, анҳорлар, каналлар, дарёлар, қўлларда чўмилиш, ёввойи ва уй ҳайвонлари билан муомалада бўлиш ҳамда йул қондаларига қатъий риоя этиш юзасидан тушунтирилган. Бу эртаимиз эгаларининг мароқли хордиқ чиқариб, янги ўқув йилига пухта ҳозирлик кўришларига имкон яратди.

Айтиш жоизки, жорий ўқув йилида юртимиздаги мактабларнинг 9-синфини тугатаётган жами 475 минг 276 нафар ўқувчининг 95 фоизи ўзлари таълим олаётган муассасанинг 10-синфида, 5 фоизи эса қизиларига мос академик лицейларда ўқини давом эттириш истагини билдиришган.

Дилшод КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



## Қадриятларни тараннум этувчи фестивал

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— "Шарқ дурдонаси" дея эътироф этиладиган Бухорои шариф азал-азалдан фан, маданият, савдо-сотик ва сайёҳлик марказларидан бири сифатида ном қозongan, — дейди фестивалнинг тантанали очилиш маросимида сўз олган шаҳар ҳокими К. Камолов. — Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан юртимиз туризм ҳамда инвестиция салохиятини оширишга қаратилган қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар ижроси Бухорода ҳам сайёҳлар оқинининг кескин кўпайишини таъминламоқда. Ўн еттинчи бор ўтказилаётган "Ипак ва зираворлар" фестивали халқ амалий санъатини ривожлантириш, миллий урф-одатларни асраб-авайлаш, бундан маданиятимизни бутун дунёга намойиш қилиш, шаҳримизга сайёҳларни кўпроқ жалб этиш нўқтани назаридан жуда фойдаланишга мўлжалланди.

Фестивалда савдо-ярмарка учун 200 га яқин павильонлар ҳозирланган. Улардан бири россиялик Расима Велитовага тегишли. — Бу тадбирда мен пахта ва зигирпога толасидан тайёрланган кийим-кечақлар билан иштирок этаман, — дейди у. — Юртингизга биринчи бор келишим. Бухоро-ни кўришни анчадан бўён орзу қилардим. Шу фестивал сабаб ниятимга етдим. Таассуротларим бир олам. Айтиш жоизки, фестивал дастуридан кўлаб тадбирлар ўрин олган. Чунинчи, зардузлик, гиламдўзлик, зардузлик, каштачилик, мис-кандакорлик каби қатор йўналишларда маҳорат сабоқлари ўтказилаётди. Дорбозлик, миллий кураш мусобақаси, "Палов сайли", миллий либослар ҳамда модлар намойиши ташкил этилмоқда. Қолаверса, "Бухоро вилоятининг туристик ва инвестициявий салохияти" мавзусида бизнес форуми ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

Истам ИБРОХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Қарор ва ижро

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан қатор вазирлик ҳамда идоралар, ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган республика китоб байрами маънавият ва маърифат, адабиёт ҳамда маданият байрамига айланди.

### Маънавият ва маърифат, адабиёт ва маданият байрами

"Китобхонлик маданиятини юксалтириш — буюк мақсадларимизга эришишнинг муҳим қадамидир" шиори остида уюштирилган ушбу тадбир Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида ўтказилди.

Наشريётлар, ижодий уйлар, матбаа корхоналари ва китоб савдоси ташкилотлари томонидан расталарга чиқарилган сермазмун китоблар, сифатли китоб маҳсулотлари пойтахтимизнинг Сайилгоҳ кўчасига янада фойз киритди. Мазкур сўлим масканга келган ота-оналар фарзандларининг ёруғ келажакини ўйлаб сара адабиётлардан сотиб олди, набираларини етаклаган буваю бувижонлар сайр этиб, кўнгил ёзди, болажонлар дўстларига севимли асарлардан соғва қилди.

Тадбирда "Энг яхши китобхон оила", "Энг яхши китобхон", "Еш китобхон" каби совринли виториналар, "Китоб ўқини ёқтира-сизми?" мавзусида ўтказилган ижтимоий сўровлар кўпчилида катта қизиқиш уйғотди.

Китоб байрамиде наشريётлар, ижодий уйлар ҳамда матбаа корхоналари "Энг фаол иштирокчи", "Энг яхши стенд" номинациялари бўйича тақдирланди.

д. йўлдошев

## Иқтисодиётни ривожлантиришда замонавий ёндашувлар муҳим

Харакатлар стратегияси асосида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг дастлабки натижалари юртимиз аҳолиси ҳаётида ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Бу эса уларнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланиши-да муҳим омил бўлаётти.



### ШАРХ

Мазкур дастуриламал ҳужжатнинг учинчи — Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда иқтисодиётни янада эркинлаштириш, аниқлиқ, тадбиркорлик ҳаракатига кенг йўл очиб беришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, иқтисодиётнинг либераллаштирилиши бу давлатни номарказлаштириш бўлиб, унинг иқтисодий бошқарувдаги функцияларини ўзини ўзи бошқариш ташкилотларига, хусусий секторларга ўтиб боришини англатади. Ушбу жараёнда иккита муҳим стратегик вазифани ҳал қилиш зарур. Аввало, хусусийлаштирилаётган мулк ҳаққиқий мулкдорлар қўлига берилиши керак. Чунки иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириш учун реал шарт-шароитлар яратишга имкон тўғдирилиши миллий онгинг ўсиши ва тафаккур тараққиётига олиб келади. Навбатдагиси, иқтисодиётда кўп укладликни ҳамда рақобат муҳитини яратиш орқали давлатнинг мулкка бўлган монопол ҳуқуқини тугатиш, хусусий мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналарни барпо қилишдир. Бу, ўз навбатида, жамият турмуш шароитига бевосита таъсир қўриб, одамларнинг хусусий мулкка нисбатан қарашини ўзгариши, ижтимоий онгинг шаклланишига хизмат қилади. Энг муҳими, давлат мулки хусусийлаштирилиб, кичик бизнеснинг

рағбатлантирилиши туфайли жамиятда мулкдорларнинг янги қатлами вужудга келади. Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ислохотларнинг янги босқичида иқтисодиётда давлат иштироки босқичма-босқич камайтирилаётгани қувонарлидир.

Иқтисодиёт профессионал диагностика асосида таҳлил этилиб, стратегик ҳаракатлар самардорлигини ошириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар натижасида 2017 йилда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари 5,5 фоизни ташкил қилди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоиз кўпайди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий салъдоси 854 миллион АҚШ долларига етказилди.

Агар мавжуд салоҳият ва имкониятлардан оқилона фойдаланилса, иқтисодий кўрсаткичлар муттақили ошиб бораверади. Бунинг учун иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш ҳамда янгилаш тадбирларини янада жадаллаштириш зарур. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мамлакатимиз газ ва электр энергия соҳасидаги капиталнинг технология эскирганлиги ҳамда модернизациялаштирилмаганлиги сабабли газ ишлаб чиқаришда табиий газнинг 23 фоизга, электр узатишларда эса электр энергиясининг 20 фоизгача исроф бўлаётгани жуда ачинарлидир. Бебаҳо бойликларимиз беҳуда йўқотилишининг олдини олиш учун технология қўлоқ ҳамда самарасиз ишлаб чиқариш жараёнидан воз кечишимиз даркор. Зеро, капитал

янгиланмас экан, технология ривожланиш ҳам бўлмайдими. Аммо капитал янги бўлгани билан унинг ишлаш технологияси эски бўлса, унинг ҳам самараси сезилмайдими. Бунинг яна бир салбий оқибати шуки, малакали кадрларга бўлган талаб ҳам пасайиб бораверади.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида иқтисодиётимизда йиғилиб қолган бундай муаммоларни бартараф этиш учун бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар қаторида, Ўзбекистон-ни технология ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий гоё, миллий дастур кераклигини алоҳида таъкидладилар. Бундай дастурнинг яратилиши мамлакатимизда илм-фан ҳамда технологиянинг ривожланиши ва иқтисодиётимизни модернизациялашга улкан ҳисса қўшади.

Дарҳақиқат, дунёда илм-фан ҳамда технологияни ривожлантириш дастурлари ва уларнинг ютуқларини амалиётга кенг жорий этиш орқали ўз тараққиёт йўлини мустаҳкам қурган давлатлар кўлаб топилди. Жанубий Корея — ана шундай ҳаётий дастурлар орқали Ма-лайзия, Хитой ҳам қолоқ ва аграр мамлакатдан саноати тараққий топган, жадал ривожланаётган давлат сифатида шаклланди. Улар ривожланган давлатлар сафидан тушмаслик учун мудом кучли рақобат қилиш, ўз позициясини йўқотиб қўймайлик пайдан бўлмайди. Табиийки, бунда иқтисодий самардорлиқни оширишга қаратилган, технология эскирилган ўзида муқаммас этган миллий дастурлар кўл келади.

Хозирги глобаллашув ҳамда кўли рақобат муҳити мамлакатлар оқлига инновациялар ва технология ўзгаришларини изчил амалга ошириш вазифасини қўймоқда. Ана шу

жиҳат инобатга олинган ҳолда, юртимизда инновацион фаолият учун кенг имкониятлар яратила-япти. "Mirzo Ulugbek Innovation Center" маркази ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил қилинганлиги мазкур ишларнинг дечбоси бўлиб, дейиш мумкин.

Кучли миллий дастурсиз модернизациялаш тадбирлари изчил бўлмаслиги аниқ. Шу боис ҳам технология ўзгаришларини замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган даражага кўтариш учун миллий дастур яратилиши гоёт муҳимдир.

Мурожаатномада алоҳида таъкидланганидек, иқтисодиётимизнинг бошқарув тизими эскириб кетган ва у бугунги замон талабларига, қолаверса, бозор иқтисодиёти тамойилларига тўғри келмайди. Шунинг учун инновацион гоёларни патентлаш ҳамда уларнинг тижоратини йўлга қўйиш орқали иқтисодий ўсишга эришиш, аҳоли турмуш даражасини ва иқтисодий жараёнинг самардорлигини ошириш бўйича механизмлар ўз вақтида жорий қилинмаганлигидан мамлакатимизда технология қолоқлик даражаси кўтарилиб, унинг ташқи дунё билан рақобатдошлиги пасайиб кетган. Бу, ўз навбатида, юртимизда инновацион ҳамда креатив гоёларга эга малакали кадрларнинг чет элларга чиқиб кетишига сабаб бўлган.

Ўзбекистонни технология ривожлантириш ва ички бозорни модернизациялаш гоёларининг мақсад ҳамда вазифалари тўлиқ ифодасини топадиган миллий гоё ва миллий дастур яратилиши мавжуд муаммоларни бартараф этиш, иқтисодиётимиз рақобатдошлигини ошириш, мамлакатимизни жаҳондаги тараққий топган давлатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга хизмат қилади.

Азамат МУХТАРОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедра мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор.

### Корхона фаолияти қайта тикланди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ивест давр текс" масъулияти чекланган жамияти молиявий этишмовчилик туфайли фаолиятини вақтинча тўхтатган эди.

### Интилиш

"Қишлоқ қурилиш банк" кўмаги билан корхона қайта оёққа турди. Хитой ва Туркиядан келтирилган 14 та замонавий тикув машиниси яна ишлаб бoшлад.

— Хар олд 7 турдан иборат 35 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришяёганда, — дейди МЧЖ раҳбари Олимжон Мамадалиев. — Асосан, коллеж битирувчиларидан иборат меҳнат жамоаси бундан хурсанд.

Корхонада ички бозорни сифатли пироктаж маҳсулотлари билан таъминлаб, йил охирига қадар экспорт фаолиятини йўлга қўйиш мўлжалланмоқда.

Саминжон ХУСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 28 АПРЕЛДАН 5 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

### I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2018 йил 24 февралдаги 7/15-сон "Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида"ги қарори.
- 2018 йил 1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1598-3. (2018 йил 2 майдан қучга кирди).
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2018 йил 24 февралдаги 7/16-сон "Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида"ги қарори.
- 2018 йил 1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1518-4. (2018 йил 2 майдан қучга кирди).
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2018 йил 24 февралдаги 7/14-сон "Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида"ги қарори.
- 2018 йил 1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3003. (2018 йил 2 майдан қучга кирди).
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 19 апрелдаги 83, 13, 2018-32-сон "Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомининг 2-бандига қўшимча киритиш ҳақида"ги қарори.
- 2018 йил 1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2203-6. (2018 йил 2 майдан қучга кирди).
- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 19 апрелдаги 2018-30, 80, 01-02/8-30-сон "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ, пудрат ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, шунингдек қурилиш материаллари ва ускуналарни ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан имтиёзларни қўлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида"ги қарори.
- 2018 йил 1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2792-1. (2018 йил 2 майдан қучга кирди).
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2018 йил 14 апрелдаги 14/19-сон "Банкларга васийлик қилиш тўғрисидаги низомага ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қарори.
- 2018 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 570-3. (2018 йил 3 майдан қучга кирди).
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 9 апрелдаги 2018/05-02, 29, 9, 01-02/12-21-сон "Хорижий мамлакатларда ўтказилмаган кўргазма, танлов ва ярмаркаларда намойиш этиш учун хунармандчилик маҳсулотлари олиб чиқилишининг соддалаштирилган тизимини жорий этиш доирасида электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олишининг замонавий асбобларини ўрнатиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори.
- 2018 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3004. (2018 йил 3 майдан қучга кирди).
- Ўзбекистон Республикаси Марказий

- 2018 йил 14 апрелдаги 14/21-сон "Тижорат банклари кредит сифатига нисбатан қўйилмаган талаблар тўғрисидаги низомага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қарори.
- 2018 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 905-4. (2018 йил 3 майдан қучга кирди).
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2018 йил 14 апрелдаги 14/20-сон "Банкининг устав капитални миқдорини, акциядорлар таркибини, банк номи ва манзилини ўзгартириш, уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомага ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қарори.
- 2018 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 573-7. (2018 йил 3 майдан қучга кирди).
- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 16 апрелдаги 3-мб-сон "2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорнинг 6-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қарори.
- 2018 йил 3 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2956-2. (2018 йил 3 майдан қучга кирди).
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишнинг назорат қилиш давлат инспекцияси, Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекциясининг 2018 йил 7 февралдаги 3, 2-сон "Энергия ресурсларини ҳисобга олишининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олишининг замонавий асбобларини ўрнатиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори.
- 2018 йил 4 майда рўйхатдан

- Ўтказилди, рўйхат рақами 3005. (2018 йил 8 августдан қучга кирди).
- Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2018 йил 6 апрелдаги 4-мх, 2-мх-сон "5 — 9-синф ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қарори.
- 2018 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2117-1. (2018 йил 7 майдан қучга кирди).
- Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг ахборот тизимида шахсий газна ҳисоббаракларини юритиш қондаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги буйруғи.
- 2018 йил 5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2772-1. (2018 йил 7 майдан қучга кирди).
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2018 йил 25 апрелдаги 01-125-сон "Тошкент давлат юридик университети магистратурасига қабул қилинган тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги буйруғи.
- 2018 йил 5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2490-3. (2018 йил 7 майдан қучга кирди).
- Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 26 апрелдаги 5-мх-сон "Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасаларига хорижий фўқаролар томонидан

- ўқишга кириш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги буйруғи.
- 2018 йил 5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1992-2. (2018 йил 7 майдан қучга кирди).
- Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест марказининг 2018 йил 4 апрелдаги 12-к/к, 7-2018, 04-қ/қ-сон "Россия Федерацияси хузуридаги вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширишни режалаштирган фўқаролар учун Ўзбекистон Республикаси хузуридаги комплекс имтиҳон ўтказишни ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори.
- 2018 йил 5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3006. (2018 йил 8 майдан қучга кирди).

- Давлат реестридан чиқарилди:
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг "Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи (рўйхат рақами 2490, 2018 йил 26 июль), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1598, 2016 йил 21 июль), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 1598-1, 2008 йил 23 апрель), (рўйхат рақами 1598-2, 2009 йил 28 январь).
- Адлия вазирлигининг 2018 йил 1 майдаги 244-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг "Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муо-

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

Ўзининг ноёб қобилияти туфайли тарихимизда ёрқин из қолдирган фарзандлари билан халқимиз ҳақли равишда фахрланади. Ана шундай инсонлардан бири — ўн тўққизинчи асрда Тўрақўрғон заминиде туғилиб ўсган нодир истеъдод соҳиби Исоҳқон Жунайдуллаҳўжа ўғли Ибратдир. Илғор дунёқараши билан замондошлари қалбидан мустаҳкам жой олган бу юксак тафаккур соҳибига бўлган эҳтиром давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган эътибор мисолида ёрқин намоён бўлмоқда.



Мухоммад АМИН [У.А.] олпон сўраёт.

Ибрат мактабиде нечта тилни ўргатишадими?

Мажмуадаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат Ибрат домла бошлаган ишининг давоми, ёшлар инновацион усулларда таҳсил оладиган маскан бўлди. Илм даргоҳиде инглиз, немис, француз, корей, араб, хитой ҳамда рус тиллари чуқурлаштирилган ҳолда ўргатилади. Олий ўқув юрти тизимида иш олиб бориладиган мактабга ўқувчилар танлов асосиде қабул қилинади. Жорий ўқув йилида қабул қилинган 80 нафар ўғил-қиз тажрибали мураббийлар сабоғини муваффақиятли ўзлаштирди. Улардан бири Моҳинабону Раҳимжонова бу ерда яратилган шарт-шароит, таълим жараёнининг ташкил этилиши ҳақиде фикрларини шундай ифодаляди:

110 йилдан кейинги муносиб эътироф

110 йилдан кейинги муносиб эътироф

Маърифат машъаласини баланд тутиб

Исоҳқон Ибрат фаолият доираси кенг, Ватан, юрт истиқлоли учун азиз жонини фидо қилган миллий уйғониш даврининг етук намояндаларидан бири. Унинг ота-онаси ўз даврининг ўқимшли кишиларидан бўлган. Ибрат дастлаб ҳижо йўналишидаги кишлоқ мактабиде ўқиди, аммо саводини онасининг қўлида чиқарди. Адабиёт ва санъатга меҳри баланд бўлганидан тахсилни давом эттириши учун уни Қўқонга юборадилар. 1878 йилда Муҳаммад Сиддиқ Тунқатор мадрасаси толиби бўляди. Унинг тахсил йиллари ўзбек адабиёти, маданияти, таълимида туб ўзгаришлар юз берётган даврга тўғри келади. Ёш Исоҳқоннинг тил ўрганишига иштиёқи баланд, бу борадаги қобилияти тенгдошларига нисбатан анча зиёда эди. Шу боис ўқиб чоғиде араб, форс, рус тилларини чуқур ўрганди. Шарқ олимларининг асарларини аслиятда мутлола қилди. 1886 йилда мадрасани тамомлаб, кишлоғига қайтган, ёшлар учун янги усулдаги, битта синфдан иборат мактаб очди. Ўзи дарслик ёзди. Лекин маҳаллий ҳукмдорлар ихтимойи билимларни ўргатишга ихтисослаштирилган бу мактабни тезде беркитишадиде. Шундан сўн Ибрат саёхат мақсадида Истанбул, София, Рим, Афина каби шаҳарларга йўл оляди. Қизил денгиз ҳамда Хинд океани орқали Хиндистонга етиб боради. Сафарлар чоғиде чет тилларини билиш ҳажон адабиёти, маданияти ва фанини ўрганишда катта имконият яратадиган, деган хулосага келиб, француз, инглиз, хинд тилларини ҳам ўрганишга муваффақ бўляди. Жаҳонгашталиқ жону дили бўлган Исоҳқон сафарлар чоғиде нигоҳи

тушган илғор технология, меъморий тажриба, илм-фан ютуқларидан ўзи баҳраманд бўлибгина қолмай, уларни халқига илдинди. Катта бобом саёхатлардан бошқалар сингари гилам ёки бошқа қимматбаҳо буюмларни қўлтиклаб қайтмаган, балки кўпчиликка нафи тегадиган техника, замонавий ашё ёхуд маданий ҳаёт воситаларини олиб келишга одатланган экан, — дейди Ибратнинг чевараларидан бири, тўрақўрғонлик фахрий муаллима Жамилеҳон Низомова. — Буни, масалан, 1908 йили Оренбургга сафари пайтида матбаачилик ишига ишқи тушиб, литографик ҳижозлар тўпламини сотиб олгани ва Қўқонга поезда, сўнгра кишлоғига от-аравад мина машаққат билан келтиргани ҳам тасдиқляди. У кишининг Хиндистондан олиб келган совиткичи, Россиядан харид қилган фотоаппарати замондошлари учун мўъжизадек туюлган.

“Сийму зардур”, “Табрик Намангондин”, “Туркистон ахлига хитоб”, “Тарихи манзума вагон Ибрат” сингари ижодий, олти тилда яратилган “Луғати ситта ал-сина”, шунингдек, “Жомеъ ул-хутуб”, “Тарихи Фарғона”, “Мезон ул-замон”, “Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий” каби илмий асарлари адабиётимиз олтин хазинасидан муносиб жой олгани бунинг тасдиғидир.

Мустабид тузумнинг яна бир қурбони

Илғор голяри ҳамда амалий ишлари билан эл ўртасиде ҳурмати баланд бўлган Исоҳқон тўрнининг хатти-харақатлари, табиийки, айрим амалдорларнинг газабини келтирар, унга тўсқинлик қиладиган кишилар ҳаминша топиларди. Улар аввалига кишлоқда ташкил этилган ва Ибратнинг ўзи муаллимлик қилган мактабни ёпишди. Сўнгра жорий этган янгиликларини қоралашди. Пировадда унга нисбатан таъйик кучайганидан-кучайиб, қора кучлар ниятига етди. Минглаб ўзбек зиёлиларининг ёстиғини қуритган қатагон машинаси тўрақўрғонлик маърифат пешвосини ҳам ўз домига тортиди.

— Онамининг 1937 йилда бобом қамоққа олигани ҳақиде алам-ли хотирасини жуда кўп эшитганман, — дейди Ибратнинг кенжа қизи АФҚАХОН аянининг фарзанди Саноятхон Мухиддинова. — У кишини тонг палласида уч қоп китоблари билан бирга юк машинасига ўтказган ҳолда, номаълум томонга олиб кетишган экан. Алаолоки

бат бобомнинг дийдори барча яқинлари учун армон бўлиб қолган.

Маълумотларга қараганда, “халқ душмани” тамғаси билан авахтага тикилган 75 ёшли Исоҳқон домлани хибсоннада доимий қийноққа тутишган. Охир-оқибат қамситишлари руҳий таҳқирларга дош беролмаган инсон ўша ерда вафот этади. Қамоқна маъмурияти ўз тартиб-қоидаларига зид бўлсада, авлиёсифат бу кишининг жасадини мусулмончилик тамойиллари асосиде дафн қилиш учун унинг яқинларига беради. Халқнинг суюкли фарзанди ҳаётига жисман нуқта қўйилган бўлсада, унинг минглаб юртдошлар қалбидан ўрин эгаллаб ултурган шарафли номи, хайрли ишларини ўчиришга ҳеч кимнинг қурби етмади.

Бобомиз орзусидаги гулбоғ

Бугун кўплаб бобокалонларимиз қатори Исоҳқон Ибратнинг номи ҳам юзага чиқди: у миллитимиз равнақиде муносиб ўринга эга бўлган улуг кишилар қаторидан мустаҳкам жой олди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2016 йили наманганликлар билан сайловда учрашувиде вилоятнинг азиз инсонлари ҳақиде сўз очиб, биринчи галда Ибрат домланинг исмини тилга олган, Тўрақўрғон шайрида унинг номидаги хибон ва тил ўргатиш мактабини ташкил этиш тақлифини ўртага ташлаганда, каттаю кичик буни мамуният билан қабул қилган эди. Бугун вилоят марказига ёндош Тўрақўрғонни тани олиш осон эмас. Тезкорлик билан бунёд этилган “Исоҳқон тўра Ибрат” меъморий мажмуаси, унга уйғун ҳолда қурилган иншоотлар шаҳар қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Ибрат-

нинг нури сиймоси мухрланган мухташам ҳайкал, турфа ранг гуллар билан безанган хибон, муслиқали фаввора, шоир газалларидан намуналар, уч тилда ҳикматли сўзлари битилган айвон, тил ўргатиш мактаби, 1860 йилда қурилган ҳамда жорий йилда реконструкциядан чиқарилган Фойибназар қози мадрасасига жойлаштирилган музейдан иборат мажмуа бу ерда ташриф буюрган ҳар бир кишининг бахридлинни очади.

Мажмуа туман марказидан ўтган Косонсой соҳилининг шундоққина ёнида жойлашган. Унинг лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қурилиш ишлари чоғиде соҳининг мазкур қисмини ҳамда соҳини обод қилиш, бу ерда машур курортларники сингари сайилгоҳ яратишга алоҳиде эътибор қаратилди. Худуддаги Тошкент маҳалласиде замонавий ёпиқ бозор ва супермаркет қад ростлади. Унинг давомида қуриляётган тўрта кўп қаватли тураржой биносидеги хонадонлар яқинда ўз соҳибларини бағрига оляди.

— Кишлоғи дунёнинг гўзал ҳамда бетакрор, юксак маданиятли шаҳарлари қаторидан жой олиши Ибрат домланинг энг катта орзуларидан бири эди, — дейди Наманган вилояти телерадиокомпанияси директори Муҳаммадхон Максудов. — Бугун тобора янашб бораётган Тўрақўрғон ўша орзунинг ихобига айлянди. Маърифатпарвар инсон хотирасини абадийлаштиришга қаратилган ишлардан барчамиз миннатдоримиз.

Дарҳақиқат, Исоҳқон Ибрат бир асрдан кўпроқ вақт муқаддам Тўрақўрғонни маънавияти ва маърифати юксак масканга айлантириш ҳаракатини бошлаган эди. Унинг голяри, элни бахтли-саодатли, фарзандларни билимдон қўриш йўлидаги интилишлари бугун рўёбга чиқди.

— Исоҳқон бобомиз деярли шароит бўлмаган даврда хорижий тилларни сабот билан ўзлаштирган. Ўша давр ва бугунги кун имкониятлари ўртасиде ер билан осмонча фарқ бор, десам, янглишмайман. Илғор мезонларга таянган илм даргоҳидеги таълим технологияси ҳажон андозларига асосланган. Масалан, электрон тармоққа жойлаштирилган база орқали керакли дарсликни бемалол топа оламиз. Унга жойлаштирилган етти тилли луғат ёрдамида истаган тил буйича сабоқ олиш мумкин.

Наманган давлат университети қошида фаолият қуритаётган мазкур мактаб-интернатдаги тил ўргатиш марказиде мамлакатимиз пойтахтидаги тилларга ихтисослаштирилган олий ўқув юртли билан онлайн тарзида боғлианиш имконияти ҳам яратилган.

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 2-3 май кунлари Наманган вилоятига ташрифи чоғиде ушбу мактаб-интернат фаолияти билан яқиндан танишиб, педагог ва ўқувчи-ёшлар билан мулоқотда бўлди. Бу ердаги имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда, таълим даражасини юқори босқичга кўтариш юзасидан ўз тавсияларини берди. Пировадда мактаб битирувчиларининг тилшунослик йўналишидаги олий ўқув юртлига имтиҳонсиз қабул қилиниши ҳақидеги хушхабар билан барчани қувонтирди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, атомки маърифатпарвар аждоғимиз ўзига Ибрат тахаллусини бежиз танламаган экан. Унинг эл-юрт тараққиёти йўлидаги фидоқорона ҳаёти нафақат ўз даврида, балки бугун ҳам барчамиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлиб қолмоқда. Тўрақўрғонда бунёд бўлган мажмуа эса дилларга ёруғлик улашиб, маърифат зиёсини таратаверади.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Талабалар онлайн тарзда ўқитилади

Янги ўқув йилидан бошлаб олий таълим тизимида махсус сиртки бўлимлар талабалари учун дарслар масофадан туриб онлайн тарзда олиб борилади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш маркази ахборот хизмати маълум қилди.



ИННОВАЦИЯ

Президентимизнинг 2017 йил 9 августда қабул қилинган “Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртки бўлимларни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори асоси-

да 15 та олий ўқув юртида 8 та йўналиш буйича махсус сиртки бўлимлар очилди. Эндиликда улардаги талабалар ўз иш жойидан ажралмаган ҳолда таълим олиш имкониятига

эга бўляди. Бугунги кунда махсус сиртки таълимнинг 144 та дарслигини таянч олий таълим муассасаси билан биргалликда масофавий ўқитиш формати асосиде ишлаб чиқиш йўлга

қўйилди. Сиртки ва кенчи таълим дарслиқлари ҳам босқичма-босқич онлайн ўқитиш тизимига мослаштирилади.

Мажмуа ХОЛМАТОВА

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги МОДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ. Танлов Эълон қиляди. Танловда чет эл фирма ва ташкилотлари, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчи) шунингдек, кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин. Танлов предмети: моноблок туридаги персонал компьютер; зарбаларга бардошли планшетлар; катта масштабдаги светодиодли экран (LED); «РОФЭС» аппарат-дастурий комплекси; нусха кўчириш ва периферик техника учун сарфлаш материаллари; қўл соати; дастурий таъминотни ишлаб чиқиш. Таклифларни қабул қилиш муддати — эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун. Танлов ўтказилиши буйича қўшимча маълумот олиш учун куйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўча, 1-уй. Телефонлар: (+99871) 231-49-73, 231-55-11, факс (+99871) 281-43-74. E-mail: umts@mvd.uz

Ўзбекистон давлат консерваторияси қуйидаги кафедралар буйича лавозимларга танлов эълон қиляди: Профессор лавозимига: — бастакорлик ва чолғулаштириш — 2; — эстрада чолғулари — 1. Доцент лавозимига: — мусиқий педагогика — 2; — махсус фортепиано — 1. Катта ўқитувчи лавозимига: — мусиқа назарияси — 1; — эстрада чолғулари — 1; — мусиқа тарихи ва танкид — 1; — камер мусиқа ва жўрнавозлик маҳорати — 1. Танловда иштирок этиш учун даъвогарлар куйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: ректор номига ариза; ходимлар шахсий варақаси; олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақиде диплом ва аттестатларнинг нусхалари; ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари рўйхати; мутахассислик буйича охириги уч ўқув йилида малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва сертификатлар нусхаси. Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичиде Ўзбекистон давлат консерваториясининг ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади. Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 545. 112 922 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

«REPUBLIKA MULK MARKAZI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҚҚББ қисмага тегишли, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 25-уйда сақланаётган куйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1986 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, давлат рақами 01/403 SCA бўлган «УАЗ-3303-01» русумли. Бошланғич баҳоси — 4 799 000 сўм. 1992 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, давлат рақами 01/456 SCA бўлган «ГАЗ-53» русумли. Бошланғич баҳоси — 9 369 000 сўм. 1994 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, давлат рақами 01/044 SCA бўлган «Dogan-S» русумли. Бошланғич баҳоси — 4 735 000 сўм. 1984 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 01BA027 бўлган «ЮМЗ-6 АЛ» русумли. Бошланғич баҳоси — 5 383 000 сўм. Аукцион савдоси 2018 йил 25 июнь кунни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2018 йил 22 июнь кунни соат 18.00. Савдо қолиби деб топилган шахсга 10 кун ичиде сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода қатнашиш учун ариза, закатал пули тўланганлиги ҳақидеги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг «Davr bank» ХАТБ Олмазор филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001, МФО: 01121, СТИР: 200933850. Гувоҳнома № 001805. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛЪИМЛАР ТАҚРИБ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ. Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар. Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров. Навбатчи — Д. Каримов. Мусаҳҳих — С. Исломов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.55 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6